

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.P.01.07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЖАНОВА ДИЛНОЗАХОН СУЛТАНБЕКОВНА

**БОШҚАРУВДА АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИНГ ИЖТИМОЙ-
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(Тошкент шаҳар туман кенгашлари мисолида)**

**19.00.05 – Ижтимоий психология; этнопсихология
(психология фанлари)**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
Psychological sciences**

Абдуллажанова Дилнозахон Султанбековна Бошқарувда аёллар фаоллигининг ижтимоий-психологик хусусиятлари (Тошкент шаҳар туман кенгашлари мисолида).....	3
Абдуллажанова Дилнозахон Султанбековна Социально-психологические особенности активности женщин в управление (на примере районных кенгашей города Ташкента).....	27
Abdullajanova Dilnozakhon Sultanbekovna Socio-psychological features of women's activity in management (on the example of the district kengashs of the Tashkent city).....	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publishet works.....	55

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.P.01.07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЖАНОВА ДИЛНОЗАХОН СУЛТАНБЕКОВНА

**БОШҚАРУВДА АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИНГ ИЖТИМОЙ-
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(Тошкент шаҳар туман кенгашлари мисолида)**

**19.00.05 – Ижтимоий психология; этнопсихология
(психология фанлари)**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/P199 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ndpi.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухамедова Дилбар Гафурджановна,
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Лутфуллаева Нигора Халимбаевна,
психология фанлари номзоди, доцент

Самаров Рустам Садриддинович,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019. P.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй. ЎзМУ, Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (+99871) 246-52-74/факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-04, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Бош ўқув биноси, “В” қисм, 2-қават, 217-хона. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 20 ___ йил «___» _____ куни тарқатилди.
(20 ___ йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.И.Расулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари психол.ф.д., доцент

И.И.Рахимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, психол.ф.ф.д., доцент

Н.С. Сафаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психол.ф.д, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда жамият тараққиётига эришишнинг барча босқичларида шахс ижтимоий-психологик хусусиятларини намоён бўлишига кўплаб сабабчи омиллар мавжуд бўлиб, бу хатти-ҳаракат, хулқ-атвор, мотивация, қобилият, ижтимоий, сиёсий мотив ва бошқаларда яққол намоён бўлади. Шунингдек, бошқарувда аёллар фаоллигини шаклланиши, ривожланишининг ҳам муҳим босқичлари, омиллари ҳамда сифатлари мавжуд ва бу бевосита билим, иқтидор ҳамда малакани намоён этишни тақозо этади. Бинобарин, Европа мамлакатлари, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, Канада ва Япония каби давлатлар учун келтирилган IPU (Inter-Parliamentary Union) маълумотлари шуни кўрсатадики, кўп мамлакатлар депутатлар умумий сонининг учдан бир ёки undan ортиқ даражасида парламентларда аёллар вакилликка эришишга муваффақ бўлди. Сўнги йилларда парламентларга эга мамлакатларнинг қонун чиқарувчи органларида хотин-қизлар улуши 4 баробарга ошди¹. Шу нуқтаи назардан ҳам бугунги кунда аёлларда фаолликни ижтимоий-психологик хусусиятларини бир бутун, яхлит ҳолда намоён этишлари учун мақсад, интилиш билан бирга жамиятда имконият, шароитнинг вужудга келиши ҳамда тенглик тамойилининг амалга ошиши муҳим аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида аёллар ижтимоий-психологик хусусиятларини бошқарув компетенциясини моделлаштиришга йўналтириш, комплекс бошқарувда фойдаланиш, хусусан, халқ хўжалиги соҳаларида яъни, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий объектлар бошқаруви, тадбиркорликнинг турли йўналишлари, формал ва ноформал лидерликнинг турли бўғинларида фаолликни ошириш механизмларини яратиш ҳамда такомиллаштириш муаммолари доирасида изланишлар олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳам бошқарувда аёллар фаоллигининг ижтимоий-психологик хусусиятларини шакллантириш ва ривожлантириш доирасидаги ижтимоий-психологик тадқиқотлар муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Янги Ўзбекистоннинг айна ислохотлар даврида бошқарув лавозимларига аёлларни танлаш, тайинлаш, сайлаш ва сайланишининг қонуний асослари мустаҳкамланди. Бошқарувнинг турли бўғинларида аёлларга нафақат ижтимоий муаммоларни ўрганиш субъекти сифатида қараш билан чегараланиш, балки улардаги халқ хўжалигининг кўплаб соҳаларига оид масалалар ечимини топиш иқтидори ва салоҳиятини юзага чиқариш учун кенг имконият ва тенг шароитларни мавжудлиги муҳим жиҳат ҳисобланади. Зеро, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам кадрларни танлашнинг самарали шакллари ва услубларини жорий қилиш..., замонавий талабларга жавоб берувчи “шахсни аниқлаштириш” тизимини

¹ <https://vgmu.hse.ru/data/2010/12/31/1208181468/143-164-Belyaeva.pdf> Вопросы государственного и муниципального управления. 2008. № 1.

жорий этиш устувор масалалардан бири сифатида белгиланганлиг² бошқарув соҳасида аёллар фаоллигини ижтимоий-психологик хусусиятларини тадқиқ этишга, улардаги кўникма ва малакаларни шакллантиришга долзарб муаммо сифатида қаралишини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ-562-сон “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 472-сон “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республикада фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Бошқарувнинг шаклланиши ҳамда ривожланишини тадқиқ этиш масалалари ўзбек давлатчилигининг илк давридан бошлаб, Шарқ ва Ғарб халқлари тарихида муҳим тадқиқот объекти сифатида ўрганилган. Жумладан, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий асарларида “ходим”, “хукмдор”, “амир”, “бек”, “ноиб”, “раҳбар”, “ҳоким” каби тушунчалар билан бошқарув кадрларига оид дастлабки қарашлар юзага келган.

Хусусан, соҳибқирон Амир Темур ўзининг “Темур тузуклари”да давлат бошқаруви ва хизматини ташкил этишда раҳбар ва амалдорларнинг руҳий сифатларини эътироф этиб, улар қаттиққўл, тадбиркор, ниҳоятда адолатли, лекин раҳимдил, инсонпарвар, ҳалол ва пок бўлишини кўрсатиб ўтган. Шунингдек, саркардаларни саралаш ва лавозимларга қўйишда уларнинг насл-насабига, ақл-фаросатига, халқпарварлигига, тинчликсеварлик, сабр-тоқатлилик, адолатпарварлик, кўтаринки руҳий ҳолатига, зийраклигига, малакаси ва одамлар билан мурося қилиш фазилатларига алоҳида эътибор берган³.

Шунингдек, тадқиқотчи А.В.Сороко изланишларида кўплаб МДХ давлатлари, хусусан Россия давлат бошқарувида ҳам давлат фуқаролик

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон. Б.53.

³Равшанов Л. Замонавий ҳарбий хизматчи имижининг психологик жиҳатлари, псих. фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) дисс.автореферати. Тошкент., 2019.- 6 б.

хизмати самарали тадбиқ этилганлиги, ривожланган мамлакатлар (Буюк Британия, Германия, Франция, АҚШ, Япония) қонунчилигида “кадрлар заҳираси” бўйича институт белгиланмаган бўлсада, бошқарув кадрлари заҳирасини тайёрлаш ва шакллантириш бўйича бошқарувнинг технологик модели яъни, ташкилий-бошқарув, ижтимоий-бошқарув тизими мавжуд⁴лигининг самарадорлиги ўрганилган.

Мамлакатимиз психологлари Э.Ғозиев, Н.С.Сафаев, В.М.Каримова, Д.Г.Мухамедова, М.Нурматова, Н.В.Гришаева⁵, Ш.М.Улуғова⁶, М.У.Ирисова⁷, Н.Х.Раҳимова⁸, Н.М.Муравьева⁹, И.Г.Гафарова¹⁰, К.Т.Базарова¹¹, Р.Н.Аннаева¹², Ш.Шойимова¹³, Ў.Б.Шакарров¹⁴ томонидан муаммо шахс фаоллиги, бошқарувнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари нуқтаи назаридан тадқиқ этилган;

Шунингдек, аёлларни ижтимоий фаоллиги Я.А. Абдуллаева¹⁵, Д.А. Ийманова¹⁶, Каллибекова¹⁷, Д.Н. Ражабова¹⁸, Н.А. Айриева¹⁹, О. Охунжонов²⁰, Н.Д. Жўраева²¹, Д.О. Ортиқова²²; аёлларни сиёсий фаоллиги, кадрлар сиёсати масалалари О.Т.Джавланов²³, Ж.Қ.Юсубов²⁴,

⁴Сороко А.В. «Управление кадровым потенциалом государственной гражданской службы на основе формирования резерва управленческих кадров». Авто.реф.дисс.. на учен.степ.док.экон.наук. Москва. 2011.

⁵Гришаева Н. “Социально-психологические факторы развития ответственности кадров управления”. Дис...канд.псих.наук.-М., 2010.-С 20,

⁶Ш.М.Улуғова “Бозор иқтисодиёти шароитига хотин-қизлар ижтимоий-психологик мослашувининг ўзига хослиги” 2012 й.

⁷М.У.Ирисова «Занятость женщин Узбекистана в условиях перехода к рыночным отношениям» 1995 г.

⁸Раҳимова Н. «Повышение экономической активности женщин на рынке труда Узбекистана». автореф.дисс...док.экон.наук.-Ташкент, 2008

⁹Н. Муравьева «Социально-философский анализ повышение социального статуса женщин». 2004 г.

¹⁰И.Г.Гафарова «Гендерные различия в представлениях о социальном статусе женщин в современном обществе», 2012 г.

¹¹К.Т.Базарова «Социально-психологические факторы развития лидерских качеств руководителя. На материалах транснациональной корпорации». 2010 г.

¹²Р.Н.Аннаева “Аёллар тадбиркорлигининг генезиси, назарияси ва амалиёти. Ўзбекистон мисолида”, 2018 й.

¹³Ш.Шойимова “Тадбиркор ўзбек аёллари шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятлари”. 2009 й.

¹⁴Ў.Б.Шакарров “Раҳбар ахлоқи ва адолатли бошқарувни ташкил этиш муаммолари”. 2018 й.

¹⁵Я.А.Абдуллаева “XIX асрнинг охири ва XX асрда Қорақалпоғистонда хотин-қизлар масаласи. Ижтимоий-сиёсий аспект”. 2005 й.

¹⁶Д.А.Ийманова “Ўзбекистонда совет тузумининг кадрлар сиёсати ва унинг оқибатлари.(1945-1991йй)”. 2011 й.

¹⁷Каллибекова «Место и роль женщин в современном развитии Каракалпакстана(1991-2004 гг)». 2006 г.

¹⁸Д.Н.Ражабова “Туркистон жадидларининг қарашларида ёшлар ва хотин-қизлар масаласи (XIX аср охири-XX бошлари)”. 2005 й.

¹⁹Н.А.Айриева «Заглавие деятельность компартии Туркестана по подготовке партийных-советских кадров(1918-1924гг.)». 2005 й.

²⁰О.Охунжонов «Из истории формирования кадров узбекской советской интеллигенции(1925-1937гг.)». 2005 й.

²¹Н.Д.Жўраева “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни. XX аср 20-30 йиллар”. 2005 й.

²²Д.О.Ортиқова “Исломининг хотин-қизларга муносабатидаги реал ва мавҳум ахлоқий қадриятлар”. 1993 й.

²³О.Т.Джавланов «Кадровая политика в СССР во второй половине 80-х – начале 90-х годов». 1992 г.

²⁴Ж.Қ.Юсубов “Ўзбекистонда давлат хизмати соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимининг такомиллаштирилиши”. 2018 й.

М.Қ.Ғаффарова ²⁵ ; аёллар фаоллигини ҳуқуқий аспектлари, гендер масалалари С.А.Ходжаева ²⁶ , Г.А.Маткаримова ²⁷ , Г.Б.Ўразалиева ²⁸ , Р.Н.Хикматуллаева ²⁹ , Ш.Г.Джаббарова ³⁰ ; аёллар ижтимоий фаоллигини ҳудудлар бўйича қиёслама таҳлиллари М.В.Сухомлинова³¹, Г.У.Исмаилова³², Н.М.Муравьева ³³ ; Иқтисодчилар М.Маленкова ³⁴ , Б.М.Бурханов ³⁵ , Н.Х.Рахимова ³⁶ , О.И.Титова ³⁷ каби тарихчи, сиёсатшунос, социолог, ҳуқуқшунос олимлар томонидан илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилган.

Узоқ ва яқин хорижий мамлакатлар олимлари М.Армстронг, А.П.Алехин, Г.В.Атаманчук, И.Л.Бачило, А.В.Оболонский, А.Ф.Ноздрачев, А.А.Столярова, Ю.А.Тихомиров, Б.В.Россинский, Н.Г.Салищева, Р.Р.Аболс, В.А.Антропова, Т.Ю.Базарова, Г.П.Гагаринский, А.П.Егоршина, Б.Л.Еремина, М.Д.Пизи, Э.Майклз, Ш.Берн, И.Нонак, Х.К.Рамперсад, А.У.Шерманлар томонидан бошқарув кадрлар заҳирасини шакллантириш, бошқарувни профессионал жиҳатдан ривожлантириш, инсон омилини баҳолаш, бошқарув компетенциясини моделлаштириш, давлат хизмати, бошқарувда карьера, профессионал-хизмат вазифаларида ўсиш, жамоани бошқариш, баҳолаш тактикаси ва стратегиясининг ижтимоий, сиёсий иқтисодий аҳамияти доирасида тадқиқотлар амалга оширилган.

Тадқиқотлар натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, бошқарувда аёллар фаоллиги ва унинг ижтимоий-психологик хусусиятлари илмий-амалий асосларини тадқиқ этишда, ижтимоий ҳаётда гендер тенглик, бошқарувда аёллар лидерлиги ва фаоллигини ошириш, раҳбарлик лавозимларига аёл кадрлар номзодини тавсия этишнинг ҳуқуқий механизмлари кам ўрганилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.

²⁵М.Қ.Ғаффарова “Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар мавқеи”. 2018 й.

²⁶С.А.Ходжаева «Прововая культура и проблемы развития социально-правовой активности женщин Республики Узбекистан». 2004 г.

²⁷Г.А.Маткаримова“Халқаро ва миллий ҳуқуқда аёлларнинг гендер ва репродуктив ҳуқуқлари”. 2004 й.

²⁸Г.Б.Ўразалиева “Гендер муносабатларининг аёллар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришга таъсири. Социологик таҳлил”. 2006 й.

²⁹Р.Н.Хикматуллаева «Гендерные особенности в представлениях о семейно-брачных отношениях как фактор, определяющий жизнедеятельность семьи». 2009 г.

³⁰Ш.Г.Джаббарова «Гендерные особенности формирования занятости в Республики Узбекистан»). 2012 г.

³¹М.В.Сухомлинова «Социальная активность женщин как фактор устойчивого развития общества (на материалах конкретных социологических исследований в Узбекистане)», 2009 г.

³²Г.У.Исмаилова «Вклад женщин Узбекистана в индустриальное развитие республики на этапе развитого социализма”.

³³Н.М.Муравьева «Социально-философский анализ повышение социального статуса женщин». 2004 г.

³⁴М.Маленкова «Управление трудовым коллективом в условиях перехода к социально-ориентированному рынку (на примере промышленных предприятий Узбекистана”. 1994 г.

³⁵Б.М.Бурханов “Обеспечение народного хозяйства Узбекистана кадрами руководящих работников: опыт и уроки”. 1994 г.

³⁶Н.Х.Рахимова “Формирование и использование трудового потенциала женщин Узбекистана в условиях перехода к рыночным отношениям. На примере Республики Узбекистан”. 1994 г.

³⁷О.И.Титова “Гендерные различия в отношениях российских предпринимателей к конкуренции и партнерству”. 2007 г.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (ПЗ-20170913120) “Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрларни тайёрлашнинг ижтимоий-психологик механизмлари” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аёлларни бошқарув лавозимларига танлаш ва тайинлашда кадрлар заҳирасини шакллантиришнинг амалий аҳамиятини илмий асослаш, хизматда фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари бошқарувда аёллар фаоллигини кадрлар заҳирасини шакллантириш институтини қўллаш амалиётининг асосий омили сифатида тадқиқ этиш;

бошқарувда аёллар фаоллигига кучли таъсир этадиган ижтимоий-психологик хусусиятларни аниқлаш, таҳлил этиш ва аҳамиятини ёритиш;

муаммони “аёл кадрлар заҳираси”, “фаолликнинг хусусиятлари”, “фаолликнинг омиллари” билан ўзаро боғлиқлигини илмий жиҳатдан асослаш;

бошқарувда аёллар фаоллигига ижтимоий стереотипларнинг таъсирини ижтимоий-психологик жиҳатдан илмий ёритиб бериш;

бошқарувда аёллар фаоллигини ижтимоий-психологик хусусиятларини олинган эмпирик таҳлиллар негизида “психологик тавсифнома” ва “психологик портрет”ини яратишнинг илмий асосини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳар ва туман кенгашларига сайланган амалдаги депутат аёллар, мамлакатимизда мавжуд сиёсий партияларнинг Тошкент шаҳар туман кенгашлари “Аёллар қаноти”нинг 35-45 ёш оралиғидаги фаоллари жами 301 нафар респондент жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини бошқарувда аёллар фаоллигининг ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлаш, таҳлиллаш ва ёритиб беришни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Т.Элерснинг “Муваффақиятга эришиш мотивациясини ташхис қилиш”, “Мағлубиятдан қочиш мотивациясини аниқлаш”, Шубертнинг “Таваккалчиликка тайёрлик даражаси ташхиси”, КОС-2 “Коммуникатив ва ташкилотчилик лаёқатларини аниқлаш”, Э.Ғозиевнинг “Ташкилотчилик қобилияти психодиагностикаси”, В.Бойконинг “Эмпатик қобилиятлар даражасини диагностика қилиш”, Э.Ғозиев, Р.Тошимовларнинг “Менежер касбий мойиллигини баҳолаш”, Ф.Акрамова, Н.Лутфуллаева “Мулоқотга киришувчанликни аниқлаш”, “Ўзгаларни тинглай оласизми?”, “Раҳбар фаолияти диагностикаси” (каскад усулида раҳбарнинг ўз-ўзини баҳолаш диагностикаси харитаси) методикаларидан фойдаланилган. Методикалар корреляцияси Н–мезони, r–корреляция коэффициенти, методикалар коррекцияси $W(z)$ –мезони, маълумотларни математик-статистик қайта ишлашда SPSS программаси имкониятларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аёллар фаоллигида мотивацион йўналганлик (атроф-муҳитдаги вазиятга муносабат билдириш) хусусан, мағлубиятдан қочиш (қўркув)да ҳамда муваффақиятга эришишга нисбатан (тажрибаси, ёши, ижтимоий аҳволи билан боғлиқлиги) мақсадни аниқлашда, ўз-ўзини англашида, баҳолашида кўпроқ намоён бўлиши аниқланган;

раҳбарликка хоҳиш кучи юқори бўлган аёлларда вазиятга тактик ёндашув (шахслараро муносабат ва жамоани бошқаришда психоэмоционал турғунлик, масъулиятлилик, ташкилотчилик, коммуникативлик, аҳамиятлилик) мотивацион йўналганликнинг асосий хусусияти эканлиги исботланган;

вазиятни олдиндан тасаввур қилиш, ўзига хос интуиция (ички ва ташқи таъсирларни ҳиссий баҳолаш)нинг юқори бўлиши бошқарувдаги аёлларда муҳим қарорлар қабул қилишда таваккалчиликка тайёрлик даражасини ошириши аниқланган;

бошқарувда аёллар фаоллигида муваффақиятга эришиш мотивацияси ва мутахассисликлар ўртасидаги боғлиқликда мотивациянинг ўта юқори ва ўта паст даражаси (ҳаётий орттирилган тажриба билан боғлиқ), мағлубиятдан қочиш мотивациясининг фаолликка таъсири (ёш билан боғлиқ), аёллардаги раҳбарлик типларини таваккалчиликка тайёрликка таъсири ҳамда маълумотлилик даражаси (тугалланмаган олий) билан ўзаро боғлиқлиги илк бор аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аёллардаги раҳбарлик типларини индивидуал-психологик хусусиятлари (ташкилотчилик, коммуникативлик, тинглай билиш, эмпатик ва касбий мойилликлар) ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

бошқарувда аёллар фаоллигининг ижтимоий-психологик хусусиятлари (раҳбарлик типлари бўйича мотивация, қобилият турлари, аёллар ижтимоий аҳволи, мутахассислиги, маълумотлилик даражаси) билан боғлиқлиги ва фарқи аниқланган;

аёл кадрлар захирасини шакллантириш институтини амалиётда фаол қўллашнинг услубий асоси яратилган, фаолликни аниқлаш методикалари тизимлилиги шакллантирилган;

тадқиқот натижалари асосида бошқарувда аёллар фаоллигининг ижтимоий-психологик хусусиятларини намоён этишни ривожлантириш, инновацион бошқарув фаолияти ва коммуникатив қобилиятларни аёлларда ривожлантириш бўйича “Кадрлар захирасини шакллантириш институтини амалиётда фаол қўллашда аёлларни инновацион бошқарув фаолиятига тайёрлаш” махсус тренинг дастури ишлаб чиқилган;

бошқарувда аёллар фаоллигининг ижтимоий-психологик хусусиятлари аниқланган, коррекция қилинган ва ишончлилик даражаси аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган эмпирик-экспериментал маълумотларнинг миқдорий кўрсаткичларини қайта ишлаш, интерпретация қилишнинг частотали таҳлили, корреляцион, омилли методлар қўлланилиб, маълумотлар статистик қайта ишлаш SPSS 14.0 (Ижтимоий фанлар учун статистик пакет 14.0) дастурлари ёрдамида амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўрганилаётган ҳодиса ҳақида илмий тасаввурни ҳосил қилувчи ва аниқлаштирувчи, психодиагностикага илмий ёндашиш имконини берувчи, аёллар фаоллигининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, касбий тайёргарлик, касбий фаолиятини ривожлантириш, инновацион бошқарув фаолияти ва коммуникатив қобилиятларни аёлларда такомиллаштириш, аёл кадрлар заҳирасини шакллантиришда, аёллар фаоллигининг структур-функционал тавсифлари ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аёллар фаоллигининг ижтимоий-психологик хусусиятларини, касбий тайёргарлик, касбий фаолиятини ривожлантириш, инновацион бошқарув фаолияти ва коммуникатив қобилиятларни шакллантириш ҳамда такомиллаштириш учун тайёрланган самарали тренинг дастурини қўллаш имконияти билан белгиланади, бундан ташқари, диссертация иши натижаларидан кадрларни ўқитиш учун маъруза ва амалий машғулотларни тайёрлаш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошқарувда аёллар фаоллигининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

аёллардаги мотивацион йўналганлик, хусусан мағлубиятдан қочиш (кўрқув) ҳамда муваффақиятга эришишга нисбатан мотивация ижтимоий ҳаётда орттирилган тажрибага, ёши, ижтимоий аҳволи билан боғлиқ бўлиб, мақсадни аниқлашда, шахс ўзини-ўзи англашида юқори бўлиши ва асосан вазиятга тактик ёндошувда кучли намоён бўлишини аниқлаш механизми Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 13 мартдаги 5-сон буйруғига асосан бўлғуси амалиётчи психологларни тайёрлашда “Ижтимоий психология” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 13 мартдаги П-М-5б-сон маълумотномаси). Натижада, педагогик фаолиятдаги фаолликни ошириш, кадрлар хусусиятларини касбий аҳамиятли таянч компетенцияларни шакллантириш, касбий тайёргарликнинг сифат даражасини оширишга хизмат қилган;

раҳбарликка хоҳиш кучи юқори бўлган аёлларда вазиятга тактик ёндашув (шахслараро муносабат ва жамоани бошқаришда психоэмоционал турғунлик, масъулиятлилиқ, ташкилотчилиқ, коммуникативлик, аҳамиятлилик), шунингдек, ижтимоий-психологик (“мотивацион”,

“коммуникатив” ва “эмпатик”) хусусиятларнинг ўзаро боғланганлиги ҳамда уларни бошқарувдаги аёллар фаоллигига ижобий таъсирини эмпирик маълумотлар асосида аниқлаш усуллари бўйича таклиф ва тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 13 мартдаги 5-сон буйруғига асосан бўлғуси амалиётчи психологларни тайёрлашда “Бошқарув ва маркетинг психологияси” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 13 мартдаги П-М-5б-сон маълумотномаси). Натижада, ҳар томонлама етуқ, баркамол авлодни рақобатбардош кадрларни тайёрлашда илмий-методик таъминотнинг бойитилишига эришилган;

вазиятни олдиндан тасаввур қилиш, ўзига хос интуиция (ички ва ташқи таъсирларни ҳиссий баҳолаш)нинг юқори бўлиши бошқарувдаги аёлларда муҳим қарорлар қабул қилишда таваккалчиликка тайёрлик даражасини ошириш Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 13 мартдаги 5-сон буйруғига асосан бўлғуси амалиётчи психологларни тайёрлашда “Шахслараро муносабатлар психологияси” модулига татбиқ этилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 13 мартдаги П-М-5б-сон маълумотномаси). Натижада, бу таклифлар кадрлар захирасини шакллантиришда бошқарувга хос қобилиятлар ҳақида билим ва малакаларни ошишига хизмат қилган;

бошқарувда аёллар фаоллигида муваффақиятга эришиш мотивацияси ва мутахассисликлар ўртасидаги боғлиқликда мотивациянинг ўта юқори ва ўта паст даражаси (ҳаётий орттирилган тажриба билан боғлиқлиги), мағлубиятдан қочиш мотивациясининг фаолликка таъсири (ёш билан боғлиқлиги), аёллардаги раҳбарлик типларининг таваккалчиликка тайёрликка таъсири ҳамда маълумотлилик даражаси (тугалланмаган олий) билан ўзаро боғлиқлиги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 13 мартдаги 5-сон буйруғига асосан бўлғуси амалиётчи психологларни тайёрлашда “Касб психологияси” модулига татбиқ этилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 13 мартдаги П-М-5б-сон маълумотномаси). Натижада, бошқарувда аёллар фаоллигини ривожлантириш бўйича профилактика ишлари кучайтирилган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та жумладан, 2 та хорижий, 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 6 та илмий иш чоп этилган. Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола жумладан, 1 та халқаро ОАК журналида, 2 та республика, шунингдек, 3 та Scopus маълумотлар базасига киритилган халқаро илмий журналда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб (9 параграф), хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 128 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертацион ишнинг долзарблиги асосланган, илмий тадқиқот ишлари режа мавзулари билан боғлиқлиги кўрсатиб берилган, унинг ўрганилиш даражаси таҳлили келтирилган, диссертацион тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предмети келтирилган, қўлланилган методлар, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, шунингдек, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бошқарувда аёллар фаоллигини ижтимоий-психологик хусусиятлари муаммоси тадқиқот предмети сифатида”** деб номланган биринчи бобида ижтимоий психологияда фаоллик ва бошқарувда аёллар фаоллигининг моҳияти ва асосий тушунчалари, фаолликни аёл кадрлар заҳирасини шакллантиришнинг омили сифатидаги моҳияти ва аҳамияти, ижтимоий стереотип турлари ва уларни бошқарувда аёллар фаоллигининг асосий муаммоси сифатида ўрганилаётган ижтимоий-психологик хусусиятларга таъсирининг сабаблари ёритилган.

Ўрганилаётган масала бўйича илмий адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, шахс фаоллиги тушунчаси юзасидан қатор тушунчалар мавжуд бўлиб, айнан бошқарувда аёллар фаоллиги жуда долзарб ва нисбатан янги ҳисобланади, турлича талқин қилинади, шунингдек, кўп қирралидир. Ўрганилаётган ҳодисанинг моҳиятини ҳисобга олиб, инсон ўзини жамиятнинг бир бўлаги сифатида намоён этишида, мавқейга, мақсадга эришишида, шахс хатти-ҳаракати, фаолияти, шахслараро муносабати, ўзини-ўзи англаши, назорат қилиши, баҳолаши, бошқариши, ички ва ташқи мотивлар, эҳтиёжлар билан бирга унинг фаоллиги муҳим ўрин тутишини англатади.

Шахс имкониятларини англаш, асосан ҳиссий-баҳолаш тизими орқали белгиланади ва бу шахсда таваккалчиликдан қочиш ёки потенциал тайёрликни, фаолликни ўлчови ҳамда ҳажмини бошқаради. Зеро, глобализация, информацион жараён тезлик билан ривожланаётган ҳозирги давр таваккалчиликнинг ижтимоий роли ошиб бораётганлигини кўрсатади.


Ижтимоий ҳаётда ёлғон тушунчаларга асосланган ижтимоий стереотиплар, у инсон хатти-ҳаракатларини маълум бир моделга тушириб қўйиши мумкинлиги, омадсизлик, жамиятда турли тушунмовчиликлар, жанжаллар, урушлар, ижтимоий ҳаётда эса, шахслар ўртасида кўркув, нафрат ва ноқулайликларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкинлиги, стереотиплар инсон ҳаётини нафақат издан чиқариши, балки кишиларда бошқаларнинг ирқи, миллати, ташқи кўринишига, ҳаёт тарзига нисбатан нафратни кучайишига олиб келиши ва унинг айниқса аёлларни ижтимоий-психологик хусусиятларига таъсири, ижтимоий стереотиплар, гендернинг

ижтимоий-психологик хусусиятлари, сунъий барьер (тўсиқ) билан боғлиқ омиллари, салбий ёки ёлғон стереотипларни ҳаёт давомида тажриба, кўникма, малака орттирилиши, билим ва кўникмалар орқали стереотипларни тўғридан-тўғри фаолиятга таъсирини кучсизлантириш, коррекция орқали тадқиқот муаммоси очиб берилди.

Диссертациянинг “Бошқарувда аёллар фаоллигининг ижтимоий-психологик хусусиятлари корреляцияси” деб номланган иккинчи бобида бошқарувда аёллар фаоллигининг психо-эмоционал хусусиятлари ва қобилиятлари, аёл кадрлар захирасини шакллантиришда муваффақиятга нисбатан мотивациянинг роли ва уни мутахассисликлар орасидаги фарқи; Т.Элерснинг “Муваффақиятга эришиш мотивациясини ташхис қилиш”, “Мағлубиятдан қочиш мотивациясини аниқлаш”, Шубертнинг “Таваккалчиликка тайёрлик даражаси ташхиси” методикалари орқали иродавий мотивацион хислатлар ва раҳбарлик фаолиятлари орасидаги боғлиқликлар Ф.Акрамова, Н.Лутфуллаеванинг “Каскад усулида раҳбарнинг ўзини-ўзи баҳолаш диагностикаси харитаси” бўйича раҳбарлик типлари; каскад усули бўйича раҳбар фаолияти ва маълумот даражаси ўртасидаги фарқлар, “Ўзгаларни тинглай оласизми?” методикаси бўйича ўзгаларни тинглай билиш ва мутахассисликлар орасидаги фарқлар, Э.Ғозиевнинг “Ташкилотчилик қобилиятлари психодиагностикаси” бўйича ташкилотчилик қобилияти ва мутахассисликлар орасидаги фарқлар; ташкилотчилик қобилияти ва оилавий аҳволи орасидаги фарқлар; Мулоқотга киришувчанлик, тинглай билиш қобилиятлари ва раҳбарлик фаолияти ўртасидаги боғлиқликлар; Ташкилотчилик ва “Коммуникатив ва ташкилотчилик лаёқатларини аниқлаш” (КОС-2) методикаси бўйича коммуникатив қобилиятлар ва раҳбарлик типлари орасидаги боғлиқликлар; В.Бойконинг “Эмпатик қобилиятлар даражасини диагностика қилиш” методикаси, Э.Ғозиев, Р.Тошимовнинг “Менежер касбий мойиллигини баҳолаш” тести бўйича ташкилотчилик, эмпатик, менежер касбий фаолияти ва раҳбарлик типлари ўртасидаги боғлиқликлар (корреляция) аниқланган.

Олиб борилган тадқиқотнинг кўрсатишича, бошқарувда аёллар фаоллигида муваффақиятга эришиш мотивацияси ва мутахассисликлар ўртасидаги боғлиқликда мотивацияни ўта юқори ва ўта паст даражаси ҳамда мағлубиятдан қочиш мотивациясининг фаолликка салбий ва ижобий таъсир этиши, аёллардаги раҳбарлик типларини таваккалчиликка тайёрликка таъсири ва маълумот даражаси билан боғлиқлигининг омиллари, бошқарувда аёлларни ижтимоий аҳволининг фаолиятдаги фаолликка таъсирининг энг юқори ва энг паст даражалари аниқланди ҳамда бошқарувда аёллар фаоллигини намоён бўлишида ташкилотчилик, коммуникатив қобилиятлар, ўзгаларни тинглай билиш ва эмпатиянинг ижобий ҳамда салбий жиҳатларини бошқариш механизмини ишлаб чиқиш, тизимли сифатларни изчил кўриб шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий имкониятини аниқлашни назарда тутди. Бошқарувда аёллар фаоллигининг ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлаш ва тизимлаштиришда Тошкент шаҳар ва туман

кенгашларига сайланган депутат аёллар, республикада мавжуд бешта сиёсий партиянинг Тошкент шаҳаридаги туман кенгашлари “Аёллар қаноти” фаоллари жами 301 нафар респондент жалб қилинди (1-жадвал).



1-расм. Муваффақиятга нисбатан мотивацияси бўйича мутахассисликлар бўйича фарқлар

Т.Элерснинг “Муваффақиятга эришиш мотивациясини ташхис қилиш” методикаси бўйича ишончли тафовутлар мавжудлиги кузатилди ($N=24,105; p<0,05$). (1-жадвал).

Натижада, муваффақиятга эришиш мотивацияси “бизнес бошқарув” (64,50), “дизайнер конструктор” (57,50), “бухгалтерия ҳисоби” (49,75) мутахассисликларида юқори бўлиши, “инженер-механик” (20,67) мутахассислигида муваффақиятга нисбатан мотивация пастроқ эканлиги аниқланди. (1-расм)

Т.Элерснинг “Муваффақиятга эришиш мотивациясини ташхис қилиш”, “Мағлубиятдан қочиш мотивациясини аниқлаш”, Шубертнинг “Таваккалчиликка тайёрлик даражаси ташхиси” методикалари орқали олинган натижалар Ф.Акрамова, Н.Лутфуллаеванинг “Каскад усулида раҳбарнинг ўзини-ўзи баҳолаш диагностикаси харитаси” бўйича раҳбарлик типлари аниқланди. Натижада, ($r=0,275; p<0,05$) корреляция коэффиценти ишончлилик даражасида. (1-жадвал).

Аёлларда “раҳбарликка хоҳиш кучи” юқори бўлса, уларда “таваккалчиликка тайёрлик даражаси” ҳам юқори бўлиши аниқланди. Натижада, “инноватор раҳбар” ($r=0,325; p<0,01$); “дипломат раҳбар” ($r=0,301; p<0,05$); “таъминловчи раҳбар” ($r=0,249; p<0,05$); “ташкilotчи раҳбар” ($r=0,255; p<0,05$); “ходимлар билан ишловчи раҳбар” ($r=0,252; p<0,05$); “назорат ўлчовида ишловчи раҳбар” ($r=0,245; p<0,05$); “назоратчи раҳбар” ($r=0,232; p<0,05$) кўрсаткичларининг корреляция коэффиценти ишончлилик даражасида эканлигини кўрсатди.

**Иродавий мотивацион хислатлар ва раҳбарлик фаолиятлари орасидаги
боғлиқликлар (n=301)**

Раҳбарлик типи	муваффақиятга эришиш мотивацияси	мағлубиятдан қочиш мотивацияси	таваккалчилик ва тайёрлик даражаси
“Раҳбарликка хоҳиш кучи”	0,083	-0,011	0,275(*)
“Ўз-ўзига ишонч”	-0,005	0,205	0,199
“Фикрловчи раҳбар”	-0,19	0,048	0,069
“Идорада ишловчи раҳбар”	-0,187	0,181	0,034
“Назоратчи раҳбар”	-0,04	0,232(*)	0,046
“Жамоатчи раҳбар”	-0,073	0,224	-0,026
“Ходимлар билан ишловчи раҳбар”	-0,15	0,252(*)	-0,039
“Таъминловчи раҳбар”	-0,163	0,249(*)	-0,034
“Ташкилотчи раҳбар”	-0,166	0,255(*)	-0,031
“Инноватор раҳбар”	-0,149	0,325(**)	-0,005
“Назорат ўлчовида ишловчи раҳбар”	-0,11	0,245(*)	0,004
“Дипломат раҳбар”	-0,169	0,301(*)	0,035

($r=0,275$; $p<0,05$); ($r=0,325$; $p<0,01$)

Раҳбарлик типлари ва маълумот даражаси ўртасидаги фарқ респондентларни тўрт гуруҳга ажратиб ўрганилди:


- 1) олий маълумот;
- 2) тугалланмаган олий маълумот;
- 3) ўрта махсус маълумот;
- 4) илмий даражага эга.

Натижада, “таъминловчи раҳбар” ($N=9,267$; $p<0,05$); “ташкилотчи раҳбар” ($N=10,843$; $p<0,05$); “дипломат раҳбар” ($N=9,284$; $p<0,05$) ишончлилик даражасида эканлиги аниқланди.

“Раҳбар фаолияти психодиагностикаси” методикаси бўйича захирадаги аёллар раҳбарлиги ҳам учта типга ажратилди:

- 1) таъминловчи раҳбар;
- 2) ташкилотчи раҳбар;
- 3) дипломат раҳбар.

Учта тип бўйича “тугалланмаган олий маълумот”га эга аёлларда “таъминловчи раҳбар”(66,50); “ташкилотчи раҳбар” (64,50); “дипломат раҳбар” (63,50) фаолиятини юқори даражада бажара олиши аниқланди. (2-расм).



2-расм. Каскад усули бўйича раҳбар фаолияти ва маълумот даражаси ўртасидаги фарқлар

Мутахассисликлар бўйича фарқ ($N=23,964; p<0,05$) ишончлилик даражасида эканлиги аниқланди. (6-жадвал)

Натижада, “ўзгаларни тинглай олиш” “монополист” (61,50), “психолог” (55,50), “фалсафа” (58,50), “журналист” (53,13) мутахассислигидаги аёлларда юқори, паст кўрсаткич эса “шифокор”(8,00) мутахассислигига хос эканлиги аниқланди.(3-расм).



3-расм. “Ўзгаларни тинглай оласизми?” методикаси бўйича мутахассисликлар орасидаги фарқлар


Э.Ғозиевнинг “Ташкилотчилик қобилияти психодиагностикаси” тести бўйича ($N=26,997; p<0,05$) ишончлилик даражасида эканлиги аниқланди. Натижада, “ташкилотчилик” қобилияти “психолог” (70,00), “монополист” (57,00), “фалсафа” (50,75), “инглиз тили ўқитувчиси” (55,25), “журналист” (50,50) мутахассислигига эга аёлларда юқори, “шифокор” (6,00), “эколог” (18,00), “иқтисодчи” (19,07), “инженер-конструктор” (20,00)да паст бўлиши аниқланди.

Аёлларни оилавий аҳволи тўртта гуруҳга ажратиб ўрганилди:

1. турмушга чиққан;

2. турмушга чиқмаган;
3. ажрашган;
4. бева.

Натижа, ($N=8,727; p<0,05$) ишончлийлик даражасида бўлиб, ташкилотчилик қобилияти “ажрашган” (52,25), “турмушга чиқмаган” (49,38) аёлларда юқори, “бева” (28,50) аёлларда паст бўлишини намоён этди. (4-расм).



4-расм. Ташкilotчилик қобилияти ва оилавий аҳволи бўйича фарқлар

2-жадвал

Ташкilotчилик ва коммуникатив қобилиятлар ва раҳбарлик типлари орасидаги боғлиқликлар ($n=301$)

Раҳбарлик типи	Ташкilotчилик	Коммуникатив
“Раҳбарликка хоҳиш кучи”	0,287(*)	0,145
“Ўз-ўзига ишонч”	0,096	0,052
“Фикрловчи раҳбар”	-0,017	-0,042
“Идорада ишловчи раҳбар”	-0,089	-0,074
“Назоратчи раҳбар”	0,043	-0,076
“Жамоатчи раҳбар”	0,078	-0,008
“Ходимлар билан ишловчи раҳбар”	0,099	-0,051
“Таъминловчи раҳбар”	0,047	-0,066
“Ташкilotчи раҳбар”	0,101	0,022
“Инноватор раҳбар”	0,081	-0,001
“Назорат ўлчовида ишловчи раҳбар”	0,13	0,059
“Дипломат раҳбар”	0,02	-0,043

($r=0,287; p<0,05$)

Ўтказилган методика бўйича олинган натижаларда, иштирокчиларимиздаги “раҳбарликка хоҳиш кучи” кўрсаткичи бўйича “ташкilotчилик” қобилияти ($r=0,287; p<0,05$) корреляция коэффициенти ишончлийлик даражасида.

Сабаб, “раҳбарликка хоҳиш кучи” юқори бўлган аёлларда “ташкilotчилик” қобилияти ҳам юқори бўлишидир. Бу улардаги бошқарувга нисбатан интилишнинг юқорилиги билан боғлиқ бўлади. Бу

типдаги аёллар ташкилотчилик қобилиятлари билан билим ва салоҳиятларини намоён этишга интиладилар.

“Раҳбарликка хоҳиш кучи” (0,287(*)) юқори бўлган аёлларда “ташкилотчилик” қобилияти ҳам юқори бўлиши ($r=0,287;p<0,05$) ишонч даражасида эканлиги аниқланди; “раҳбарликка хоҳиш кучи” типи бўйича “менежер касбий мойиллиги”(0,257(*))нинг ўзаро боғлиқлиги ($r=0,257;p<0,05$) аниқланди ва “менежер касбий мойиллиги”ни баҳолашда бошқалар устидан раҳбарлик қилиши, ташаббускорлик, ташкилотчилик билан бирга, раҳбарликка интилиш ва таваккалчилик даражаси ҳам юқори бўлишини кўрсатди.

Диссертациянинг “Бошқарувда аёллар фаоллигининг ижтимоий-психологик хусусиятларини коррекцияси” деб номланган учинчи боби бошқарувда аёллар фаоллигини ошириш, ривожлантириш, коррекциягача ва коррекциядан кейинги ҳолати аниқланган, шунингдек, унинг самарадорлигини текширишга бағишланган. Олиб борилган тадқиқотнинг кўрсатишича, мазкур диссертацион иш доирасида “Кадрлар заҳирасини шакллантириш институтини амалиётда фаол қўллашда аёлларни инновацион бошқарув фаолиятига тайёрлаш” бўйича тренинг дастур натижасида бошқарувда аёллар фаоллигининг намоён бўлиши 99,9% ишонч даражасида ошганлиги, мағлубиятдан қочиш мотивацияси ижтимоий ҳаётда орттирилган тажрибага боғлиқ бўлиши, муваффақиятга нисбатан мотивация мақсадга аниқ йўналишда, ўзини англашда юқори бўлиши, шунингдек, вазиятга тактик ёндашиш аёллардаги мотивацион йўналганликнинг асосий хусусияти эканлиги, бошқарувда аёллар фаоллигида таваккалчиликка тайёрликни намоён бўлишининг омиллари, яъни, қарор қабул қилишдаги ўта эътиборлилик, вазиятни олдиндан тасаввур қилиш, низоларни тактик усуллар билан ҳал этиш, ўзига хос интуиция, аёллар фаоллигига ташкилотчилик ва коммуникатив қобилиятларнинг таъсир даражаси ва уларни ижтимоий муҳитга мослашиши амалий жиҳатдан исботланади. Аёллар фаоллигининг кучли намоён бўлиши “ташкilotчи раҳбар”, “инноватор раҳбар”, “фаолиятдаги раҳбар” типига хослиги, бошқарувда аёллар фаоллигига эмпатиянинг таъсирини ижобий жиҳатлари, хусусан, жамоа муносабатининг баланси сифатида, ходим танлаш, тартиб-интизом, талабчанлик, фаолиятни йўналтириш, режалаштириш, ташкилотлараро музокаралар, шахслараро муносабатлардаги ҳиссий кечинмалардан инсон омилини устун туришини назарда тутади.

